

## II. ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ АДАБИЙ МЕРОСИ ВА ТАРЖИМАЙИ ҲОЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

### ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ МАКТУБЛАРИДА БАДИИЙ ИЖОДГА МУНОСАБАТ

*Шоира АХМЕДОВА,  
профессор, ф.ф.д., БухДУ*

*Аннотация: Мақолада Жомий ва Навоий мактубларида бадиий ижодга муносабат ҳақида фикр юритилган.*

*Калит сўзлар: Мактуб, хат, нома, руқъа, ёзишма, жанр, образлилик.*

Мактуб (хат, нома, руқъа, ёзишма ва ҳ.к.) инсоний меҳр-мухаббатдан дараж берувчи ёзма муҳда саналали. Узоқ-яқин қариндошлардан, дўстлардан, танишлардан келган хатларни ўқиганда киши қалбида, албатта, бир илиқлик уйғонали, юзига табассум югурали. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий хатга жуда катта эътибор билан қараб, уни кишилар орасидаги энг муҳим алоқа воситаларидан бири санаб, мактубни образли тарзда «сижрондаги шуъла, тириклик нишони» деб таърифлаган. Ҳақиқатан ҳам Шарк алломалари мактубот жанрига катта эътибор берганлар<sup>1</sup>. Абдурахмон Жомийнинг мактубларини ўрганган олим А.Ўринбоев 14 - 15 асрларда бу жанрнинг тараккий этганлигини тўғри таъкиллаб ўтали<sup>2</sup>.

Навоий Самарқанд, Астробод ва бошқа шаҳарларда яшаб туриб, турли муносабат билан турли замондошларига ёзган насрий мактубларини тўплаб, «Муншаот» (Хатлар) номи билан китоб қилали. Бу хатлар буюк адибнинг турли вазиятдаги қайфиятини ҳаққоний акс эттирган тарихий ҳужжатлар сифатида ҳам ғоят аҳамиятлидир. «Бир мактубки, саҳифасининг оқлиги ярали қўнғил жароҳатига малҳам бўлгиси ва бир номаки, қора ёзувининг нуқтасидан оқарган қўзга равшанлик берувчи қорачиғ бўлгусидирким, бу сижрон дарён бечорасини айрилиқ даими оворасини Ўшбу хат билан муқаррам қилган экансиз-келиб тегон»<sup>3</sup>. Шу мисолнинг ўзбек Алишер

<sup>1</sup> Ш.Ахмедова. Мактубот ва алоқабил тилани. Мақорун. ГлобеЕллит, 2019. 7-бет

<sup>2</sup> Ўринбоев А. Жомий мактублари. Тошкент, 1984.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Муншаот. Насрда таърифилик. №1 Туркунан. Тошкент, 2001. Маълумат. 84-бет

